



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 14 март, № 50 (7280)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР БИЗНЕС МУҲИТИ — ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Навоий вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Навоий шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йиғилишда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шахрлар ва туманлар ҳокимлари, нурунийлар, ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари вилоятни комплекс ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни белгиллаб берди.

Кайд этилганидек, Навоий вилояти юртимиз саноатининг мустаҳкам устуни бўлиб, унинг 10 фоиз маҳсулотини таъминлайди. Ислохотлар натижасида ўтган йили вилоятда инвестициялар 1,8 баробар, қурилиш ишлари 28 фоиз, хизмат

қўрсатиш 12 фоиз ўсган. Шунингдек, қарийб 1 триллион сўм инвестиция хисобига 420 та ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш объекти ишга туширилган.

Йиғилишда мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Вилоят иқтисодиёти, асосан, бир неча йилги корхонага боғлиқ бўлиб қолгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етарли даражада ривожланмагани қайд этилди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий туртки бериш учун шундай қулай ва жозибадор бизнес муҳитини яратиш керакки, нафақат маҳаллий, балки бошқа вилоятлар аҳолиси ҳам бу ерга келиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга интилин. Бошқача айтганда, Навоий вилояти — тадбиркорлар вилоятига айланиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятини экспортга йўналтирилган инновация ва юқори технологияли ишлаб чиқаришлар бўйича эркин иқтисодий зонага айлантиришни таклиф қилди. Қайд этилганидек, бунинг учун Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида махсус комиссия тузилиб, мажбурий иқтисодий зона иштирокидаги бериладиган имтиёз ва энгилликлар тизими белгиланди.

Йиғилишда инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган умумий қиймати 26 триллион 368 миллиард сўмлик 511 инвестиция лойиҳасидан иборат дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Мазкур дастур доирасида 1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хоржий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, 17 минг 400 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Қизилқумцемент”, “Навоийазот” акциядорлик жамиятлари ва бошқа тармоқларда 12 та йирик лойиҳа амалга оширилади.

Биринчи навбатда, Нурота, Хатирчи, Томди, Конишкэ каби ривожланган даражасида паст бўлган туманларда янги саноат корхоналарини ташкил этишга устувор аҳамият қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз Нурота туманидаги Фозгон посёлкасида шахар мақомини бериб, уни пардоз тошлари қазиб олиш ва ишлов беришга ихтисослаштирилган саноат шаҳрига айлантириш таклифини илгари сурди. Гранит

ва бошқа пардоз тошларини саноат усулида қазиб олиш, ишлов бериш ва тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат кластер ташкил этиш бўйича қиймати камида 200 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигидаги имкониятларни ҳам таҳлил қилиб, пахтадан бўшаган майдонларда бозорбоп мева-сабзавот етиштириш, вилоятда томорқалардан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ аҳолисини банд қилиш ва даромадини ошириш, томорқаларга экин экишни давлат сийсати даражасига кўтариш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қорақул тери тайёрлашни кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизда давлат хизматлари қўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ҳаёти сифатини, инвестиция иқлимини, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат хизматлари марказларида аҳолига тез, сифатли ва кенг турдаги давлат хизматлари қўрсатиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев фаоллар йиғилишидан сўнг Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази фаолияти билан танишди.

Марказда электрон навбат тизими жорий этилган, фуқароларга 100 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари қўрсатилади. Нотариал хизматлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, паспортни расмийлаштириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва бошқалар шунинг эътиборида амалга оширилди.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида болалар майдончаси, кафе, мутолаа хонаси, бепул Wi-Fi алоқаси ташкил этилган. Бу ерга келганлар улардан фойдаланиб, кутиш вақтини мазмунли ўтказиши мумкин.

Марказга келолмайдиган ҳамда олис овул ва қишлоқларда яшайдиган аҳоли учун махсус транспортларда жойларга чиққан ҳолда хизмат қўрсатилади.

Президентимиз марказ фаолияти билан танишар экан, бундай марказларда асосий мақсад фуқароларни давлат идоралари фаолиятидан рози қилиш эканини таъкидлади.

Давлат хизматлари марказларида энг асосий талаб — муомала маданияти бўлиши керак. Бу ерга келган ҳар бир инсон муаммосига ечим, саволига жавоб топиши ло-

зим. Барча ҳаракатларимиз ана шу мақсадга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Халқ қабулхонасининг марказдаги бўлимига кириб, ходимлар билан суҳбатлашди. Аҳоли қандай масалалар бўйича мурожаат қилаётгани билан қизиқди.

Шу ерда Навоий вилоятида тадбиркорлик, кичик бизнес ва хунармандчиликни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Хусусан, эксперимент тарихида “Навоий — тадбиркорлар вилояти” лойиҳаси амалга оширилади. Бунда қулайлик яратиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда давлат божи икки баробар камайтирилади. Қатор хизмат қўрсатиш соҳаларига имтиёزلар берилади.

Президентимиз давлат хизматлари марказида тадбиркорлар учун хизмат турларини кенгайтириш, хусусан, уларга ер ажратиш, қурилишга руҳсат олиш каби жараёнларни интеграциялаш бўйича қўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги 3-сонли ички ишлар бўлимини бориб кўрди.

Президентимизга бу ерда яратилган шароитлар, маҳалларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида Навоий вилоятида жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 54 фоиз, Навоий шаҳрида эса 63 фоиз камайгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар билан мулоқотда аёлларнинг турмуш шароитини ўрганиб бориш, оғирини энгил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Агар жамиятимизда адолатни қарор топтирмақчи бўлсак, аввало, хотин-қизларнинг ишончини қозонишимиз, уларни асрашимиз керак. Аёлнинг яшаш тарзи, дунёқараши оила муҳитини белгилайди. Бу фарзандлар тарбияси учун жуда муҳим, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар бўлимидаги ситуацияни марказни кўздан кеңиб, Жамоат хавфсизлигини таъминлашга ихтисослаштирилган давлат идоралари фаолияти билан танишди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи аяқланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 353-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 52-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади»;

2) **4-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4-модда. **Фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз ҳаёти ва соғлиги учун қулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш;

атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни муҳофаза қилиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларидан ўз вақтида ва ишончли ахборот олиш; атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир қўрсатиши туфайли ўз соғлиғига ва мол-мулкига зиён етказилган ҳолларда зарарнинг ўрни қопланиши;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиши ва жамоатчилик экологик экспертизасини амалга оширишда иштирок этиш.

Фуқаролар:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши;

атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, камайишига ва унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир қўрсатишига олиб келувчи ҳаракатларни содир этмаслиги шарт»;

3) қуйидаги мазмундаги **5¹-5⁴-моддалар** билан тўлдирилсин:

5¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сийсати амалга оширилишини таъминлайди;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши ва унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир қўрсатишини тартибга солувчи техник регламентларни тасдиқлайди;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди.

5²-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сийсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлайди;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик назоратини амалга оширади.

5³-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

тегишли ҳудудда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик назоратини амалга оширади.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

Ислохотлар самараларининг океанортидаги эътирофи

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар учун АҚШнинг «StrategEast» маркази томонидан тақдирланди.



Бу ҳақда мазкур сийёсий ва дипломатик ечимлар но-тижорат марказининг расмий сайтыда хабар қилинди. Президентимиз ушбу ташкилотнинг «StrategEast Westernization Award — 2018» муқофотига мамлакатда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция иқлимини яхшилаш, қонун устуворлиги ва хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш соҳасидаги хизматлари учун лойиҳа топилган. Бундан ташқари, Юртбошимиз-

нинг чегараолди муаммоларига ечим топиш ҳамда қўшни давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси алоҳида таъкидланган. «StrategEast» маркази Вашингтон шаҳрида жойлашган бўлиб, мазкур но-тижорат ташкилотининг фаолияти постсовет давлатларини уларнинг Фарб сийёсий ва ишбилармон доиралар билан алоқаларни йўлга қўйишга қўмақлаш мақсадида тадқиқ этишга йўналтирилган.

Янги қонунлар

Аёл она бўлишга ҳақли, лекин...

Жорий йил 12 мартдан кучга кирган «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун, аввало, оилада соғлом фарзанд туғилишига нисбатан онгли ва масъулиятли муносабатни кучайтириш, фуқароларга ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши учун тиббий-ижтимоий, психологик ёрдам қўрсатишга асос яратди. Эраклар ва аёлларнинг бу борадаги имкониятларини тенглигини таъминлайдиган шароитларга ургу берилди.

Яна бир жиҳат — давлат ушбу сийсатни рўйбога қилиш жараёнида фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслиқни, шахсий ва оилавий сирининг сақланишини, икки ёш ўртасидаги соғлом оилани шакллантириш тўғрисидаги қарорнинг камситилмаслиги, таҳдиддорлиги ва эъроздорлиги қабул қилинишини ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг бепуллигини кафолатлайди. Аввало, фуқаролар бу борада ишончли ва тўлиқ ахборот олиш, туғилишни тартибга солишнинг хавфсиз усулларидан ҳамда контрацепция ва ёрдамчи репродуктив технологиялардан

фойдаланиш каби қатор ҳуқуқларга эга бўлишда. Юридик ва жисмоний шахслар фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ахборотини сир сақлаши шарт, деб белгиллаб қўйилди. Шунингдек, аёлни ҳомиладорликка, уни сунъий равишда тўхта-тиш ва контрацепция воситаларидан фойдаланишга мажбур қилиш мумкин эмас. Эраклар ва вояга етмаган шахсларга уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш борасида ахборот бериш аноним ва махфий тарзда олиб борилади.



Ҳукумат аъзолари ҳар чоракда парламентга ҳисобот тақдим қилади

Яқинда Президентимиз томонидан «Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулиятини кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун имзоланди. Ушбу ҳужжат жорий йилнинг 1 апрелидан кучга кирди.

Қонунда кўзланган асосий мақсад — давлат халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулигини, пировардида эса одамларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашдан иборатлигини айтиш зарур.

У билан, асосан, иккита янги демократик тартиб-тамоил белгиланди. Аввало, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари эндиликда Бош вазирнинг тақдимида кўра, Олий



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

5⁻модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни таъминлашда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ва экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларини амалга оширишда иштирок этади»;

4) **8-модданинг:**

номи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**8-модда. Доимий ифлослантирувчи манбаларнинг атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиши нормативлари**»;

учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини, доимий ифлослантирувчи манбалар физикавий омилларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **9-модда** чиқариб ташлансин;

6) **11-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**11-модда. Доимий ифлослантирувчи манбаларнинг атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиши тартибга солиш**

Доимий ифлослантирувчи манбаларнинг атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаришига давлат экологик экспертизасининг натижаларига кўра белгиланадиган ифлослантирувчи моддалар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига мувофиқ йўл қўйиладиган»;

7) **13-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**13-модда. Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатилишини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш**

Атмосфера ҳавосига доимий ва кўчма ифлослантирувчи манбалардан ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини бузиш билан боғлиқ бўлган фаолият маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ваколатларига мувофиқ уларнинг қарори билан чекланиши, тўхтатиб турилиши, зарарли таъсир кўрсатиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда эса, тугатилиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш (бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно) ёки тугатиш суд тартибиде амалга оширилади»;

8) **14-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**14-модда. Ёқилги ва ёнилғи-мойлаш материалларига доир талаблар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фойдаланиладиган ёқилги ва ёнилғи-мойлаш материалларининг барча турлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган стандартлар, техник регламентлар талабларига мос бўлиши лозим»;

9) **18-модданинг учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи омил, минерал ўғит ва бошқа препаратлар сифатида кимёвий моддаларни ишлатишга қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш регламентига мувофиқ йўл қўйилади»;

10) **19-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлашда, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар озонни бузувчи моддалардан, таркибиде озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган ускуналар ва техник қурилмалардан фойдаланиш ҳамда қўллашни тартибга солишга доир чора-тадбирларга риоя этиши лозим.

Таркибиде озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган буюмлардан фойдаланувчи ва уларни таъмирловчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар бундай моддалар ҳисобга олинишини ва улар озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштирилишини таъминлаши лозим.

Озонни бузувчи моддалар ва таркибиде улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ҳамда экспорти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органлар томонидан берилмаган рўхсатномалар асосида амалга оширилади»;

11) **24-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фаолияти атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни, биологик организмларни, иссиқхона газларини ва озонни бузувчи моддаларни чиқариш ҳамда унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар: атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндиларни тозалаш ва унга зарарли физикавий таъсирни камайтириш учун иншоотлар, қурилмалар ва асбоб-ускуналардан, шунингдек уларнинг устидан назорат қилиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг ишлаш қоидаларига риоя этиши»;

озонни бузувчи моддаларнинг ҳисобини юритиши, уларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўймаслиги, рециркуляцияни (уларни қайта ишлатиш мақсадида бирламчи тозалашни) амалга ошириши»;

хўжалик объектлари теварагида санитария-муҳофаза зоналарини барпо этиши»;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини белгилаш»;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқариши ҳамда унга зарарли физикавий таъсирни камайтириш ва (ёки) бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши»;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсирининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши, уларнинг ҳисобини юритиши ва статистика ҳисоботини тақдим этиши»;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг сифат ва миқдорий таркибини аниқлаш учун намуналар олинишини таъминлаш ҳамда улчувларни амалга ошириши»;

ёқилш учун мўлжалланмаган жойларда ва (ёки) қурилмаларда ёқилгининг, ёқилги сифатида фойдаланиладиган моддаларнинг ёки моддалар аралашмасининг ёқилишига, шунингдек ёқилги ҳисобланмайдиган материаллар ва чиқиндиларнинг ёқилишига йўл қўймаслиги, бундан ёқилш махсус ускуналардан фойдаланиш ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳамда чиқиндилар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиган ҳолда амалга оширилган ҳоллар мустасно»;

энергия тежовчи ва (ёки) ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда экологик хиёнатдан тоза энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кўриши»;

метеорологик шароитлар нуқулай келиши кутилаётганлиги муносабати билан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилишини камайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган тадбирларни бажариши»;

корхоналар ва транспорт коммуникацияларининг таъсир доирасида атроф-муҳитга ҳамда аҳоли соғлиғига зарарли таъсир кўрсатилишини баҳолашдан ўтказиши»;

кучли таъсир этувчи захарли моддаларни ҳамда буғланувчи бирикмаларни сақлаш, ташиш шартларига, улардан фойдаланиш ва улардан бўшаган идишларни зарарсизлантириш қоидаларига риоя этиши»;

атмосфера ҳавосига бирийўла ва авария туфайли ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг, яширин хавфли вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, шунингдек атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланишини камайтириш юзасидан чоралар кўриши»;

чиқиндиларнинг утилизация қилинишини таъминлаши ҳамда улар тўпланиб қолганида ва қайта ишланаётганида атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олиш чораларини кўриши шарт.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши тўғрисида, сув ва атроф-муҳитнинг бошқа объектлари ифлосланишига олиб келмаслиги керак»;

12) **25-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни чиқарганлик, унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатганлиги учун компенсация тўловларини тўлаш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ҳавони муҳофаза қилиш тадбирларини бажаришдан

ҳамда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятдан озод этмайди»;

13) **26-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишича **учинчи ва тўртинчи хатбоши**лар деб ҳисоблансин;

14) **28-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат экологик назорати махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан экологик назорат бўйича махсус ваколатли давлат органларидир.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси куйидагиларни амалга оширади:

атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан давлат экологик назоратини; давлат ва идоравий экологик назорат соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолияти мувофиқлаштирилишини.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-муҳофаза ва турар жой зоналарида атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатилиши устидан давлат экологик назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фойдаланилиши атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатадиган автотранспорт воситалари устидан давлат экологик назоратини амалга оширади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

15) **30-модда** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 март
№ УРҚ-529

Ҳукумат аъзолари ҳар чоракда парламентга ҳисобот тақдим қилади

Дарҳақиқат, Ҳукумат аъзолари номзодларининг Қонунчилик палатаси томонидан қўриб чиқирилиши ва маъқулланиши халқ ҳокимиятичилигининг аққол ифодаси бўлиб, фуқаролар Ўзи бевосита сайлаган вакилларнинг ушбу лавозимга қанчалик лойиқлиги, малакаси, шахсий ва касбий фазилатлари, шунингдек, истиқболга мўлжалланган иш режасига баҳо бериши имконига эга бўлади. Ҳукумат аъзоси мамлакат ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда бевосита иштирок этишидан келиб чиқиб, депутатлар номзодни қўриб чиқиш жараёнида унинг қанчалик халқ хоҳиш-истаклари, муаммоларини билиши, инсон ва жамият фаровонлигини нечоғли кўзлашига баҳо берадилар.

Айни чоғда бу ваколат парламент учун масъулият ҳамдир. Гап шундаки, эндиликда депутатлар Ҳукумат аъзосини маъқуллаш орқали унинг фаолияти билан боғлиқ улкан масъулиятнинг тенг ярмини ўз зиммасига олади. Шунинг учун ҳам депутатлар номзодни фақат маъқуллаш билан чекланиб қолмайди, аксинча рад эта олади. Ҳукумат аъзолари депутатлар томонидан маъқулланган маъқулланган номзод келгусида ўзини қўллаган парламент аъзоларидан мадад олиши ҳам мумкин бўлади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, агар аввал парламент Бош вазир лавозимига номзодни тасдиқлаш ваколатини амалга ошириб, Ҳукумат фаолиятига умумий, яхлит баҳо берган бўлса, эндиликда Ҳукумат аъзоларига номзодни

Аёл она бўлишга ҳақли, лекин...

Бирок унинг ҳаётига хавф солувчи тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганида ҳомилдорлик муддатидан қатъи назар, уни суъий равишда тўхтатиш мумкин. Ҳуқуқий ҳужжатда келтирилганидек, аёл она бўлиш ҳуқуқига, репродуктив саломатлигини ҳомилдор бўлгунча қадр, ҳомилдорликда, туғиш ва ундан кейинги даврда даволашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда сақлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига эга. Ҳомилдорлик давридаги тиббий аралашув эр ва хотиннинг ёзма розилиги билан, эри бўлмаган тақдирда, аёлнинг ўз розилиги ёки ота-онасининг розилиги ёхуд у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда, бошқа қонуний вакилларнинг розилиги билан амалга оширилади. Албатта, Қонунга эркакларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш масалалари ҳам алоҳида модда билан киритилди. Улар ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштлигини даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш, репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланиш каби бошқа бир қатор ҳуқуқларга эга-дирлар.

Бундан ташқари, вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги хизматлар давлат томонидан қаролатланади ва бепул асосда амалга оширилади.

Дарҳақиқат, мазкур Қонун репродуктив саломатлик масалалари, умуман, фуқаролар соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлоднинг тарбиялаш учун барча зарур шарт-шароит яратишда дастурий-амал вазифасини ўтайди. Ана шундангина қўзланган маъна шундаки, аёллар орасида бепуштлигининг олдини олиш ва уни даволаш соҳасидаги жамоатчилик муносабатларини тартибга солиш, бунинг натижасида эса бахтли оила бунёд этиш имкониятларини таъминлашга эришилади.

Зайинидан НИЗОМХҲҲАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Қолаверса, ёрдамчи репродуктив технологиялардан ўзаро қонуний никоҳ қурган шахсларгина фойдаланиш ҳуқуқи қатъий белгиланган. Ушбу технологиялардан фойдаланганда, бўлғуси фарзанднинг жинсини танлашга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, мазкур технология ёрдамчи одамнинг жинсий ҳужайралари, эмбрионларидан ва репродуктив аъзоларининг тўқималаридан ҳарбий, саноат ва тижорат мақсадларидан фойдаланилиши ҳам тақиқланади.

Жумладан, ҳомилдорликни суъий равишда тўхтатиш аёлнинг хоҳишига кўра, ҳомилдорликнинг ўн икки ҳафтагача бўлган муддатида амалга оширилади.

Бирок унинг ҳаётига хавф солувчи тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганида ҳомилдорлик муддатидан қатъи назар, уни суъий равишда тўхтатиш мумкин. Ҳуқуқий ҳужжатда келтирилганидек, аёл она бўлиш ҳуқуқига, репродуктив саломатлигини ҳомилдор бўлгунча қадр, ҳомилдорликда, туғиш ва ундан кейинги даврда даволашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда сақлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига эга. Ҳомилдорлик давридаги тиббий аралашув эр ва хотиннинг ёзма розилиги билан, эри бўлмаган тақдирда, аёлнинг ўз розилиги ёки ота-онасининг розилиги ёхуд у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда, бошқа қонуний вакилларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Албатта, Қонунга эркакларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш масалалари ҳам алоҳида модда билан киритилди. Улар ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштлигини даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш, репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланиш каби бошқа бир қатор ҳуқуқларга эга-дирлар.

Бундан ташқари, вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги хизматлар давлат томонидан қаролатланади ва бепул асосда амалга оширилади.

Эъзоз ИЖОД МАКТАБИГА ОИД ТАКЛИФ — АМАЛДА

Президентимиз яқинда Сирдарё вилоятига амалга оширган ташрифи чоғида Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабини ташкил қилишни тақлиф этганди. Шунга кўра вилоят марказида ана шу мактаб биносига тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Лойиҳага асосан, таълим муассасасида халқимиз сеvimли шоирасининг ҳаёти ва ижодига оид музей ҳам жой олади.

Маросимда шоиранинг синглиси, Ховос туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси Раҳима Худойбердиева сўзга чиқиб, Ўзбекистон

халқ шоири Ҳалима Худойбердиевага кўрсатилган юксак иззат-эҳтиром учун ижодкорнинг оила аъзолари номидан миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Гофуржон Мирзаев иштирок этди.

Аҳмадали ШЕРҲАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Мирваз МИРАҚУЛОВ, юридик фанлар доктори.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

14 март — «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони таъсис этилган кун

Хонишидан тош ҳам эрийди...

ЯНГИЛИКЛАР,
ВОҚЕАЛАР
ТАФСИЛОТЛАР

АҲОЛИ УЧУН 2021 ЙИЛГАЧА ИМТИЁЗ

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги “Жиззах вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синая кўришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори вилоятда тажриба тариқасида амалиётга жорий этилган эди.

Унга қўра, 2017 йилнинг 1 июлидан 2021 йил 1 январгача Арнасой, Бахмал, Фориш, Зафаробод, Зарбдор, Янгиобод туманларида, шунингдек, Жиззах вилоятининг бошқа туманлари қишлоқ аҳоли пунктларида сартарошхона, пойабзал, кийим-кечак, электр маийши усуналари таъмирлаш сингари хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ тўлашдан озод қилинган.

Толибжан ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи»).

УНИВЕРСАЛ МАСКАН

Паркент тумани марказида “Китоб олами” мажмуаси очилди. Бундан аввал пойтахтда шундай масканлардан 41 таси фойдаланишга топширилган эди.

Унинг аввалгиларидан фарқи шундаки, муҳташам бинонинг биринчи қаватида жойлашган китоб дўконидида 10 миң нусхада турли мавзулардаги китоблар мавжуд. Бадий адабиётлар, илмий-сиёсий рисола-лар, болалар ва оила кутубоналари ҳам алоҳида-алоҳида бўлимларда ташкил этилган.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Халқ сўзи»).

ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ҲОЛИГА ВОЙ

Охунжон Раҳматов яратган феромон тутқичнинг хусусияти.

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали талабаларининг ихтиролари иқтисодий ривожига ҳисса қўшмоқда. Жумладан, Охунжон Раҳматов яратган феромон тутқич экинларга тушадиган зараркундаларга қарши курашишда қўл келади.

Мослама Олтинқўл туманидаги “Оптикўл водий гулистони” фермер хўжалигининг 18,1 гектар пахта майдонида синовдан ўтказилди. Натижада ҳосилдорлик гектарига 3 центнергача ортиди.

— Ишланма махсус дастур орқали мобил телефонга уланган, — дейди О. Раҳматов. — Бундан ташқари, ёрит-

қич ҳамда шамол парракларига эга.

Айтиш жоизки, ўтган йили филиалда давлат гранти асосида 560 миллион сўмлик 4 та инновацион лойиҳа амалга оширилиши натижасида фермер хўжаликларига 91 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

бахшилар ҳаёти, қувваи ҳофизиси, турмуши ва шахсий сифатлари ҳақида қимматли фикрлар билдирилган:

Хонишидан тош эрийди суюлиб, Туманот эл қўшиқ тинглар жийилиб, Достон тинглаб, кўзин ёшлар ийилиб, Мавжланда сўзи селдай қуйилиб, Булбули гўдири тили бахшининг.

Бешқўтон қишлоғилик Бобо шоир ва унинг шоғирдлари ижодий мактаби бугунги кунда ҳам ёш бахшилар камолотида пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда.

Шеробод бахшичилик мактабининг бугунги давомчилари — Абдуназар бахши Поёнов, Хушбоқ бахши Мардонақулов, Шоберди бахши Болтаев, Шодмон бахши Хўжамбердиев ва бошқалар “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони билан тақдирланган. Улар миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ушбу санъат турини ёш авлод қалбига синдириш ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик,

биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатиб келишмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида ушбу нуфузли тадбирнинг Термиз шаҳрида ўтказилиши бутун сурхон элининг қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди. Жорий йил 5 — 10 апрель кунлари биринчи мартаба ташкил этиладиган мазкур халқаро фестивалга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Фестиваль доирасида Термиз шаҳридаги “Сурхондарё санъат саройи” давлат муассасаси майдони ҳудудида бахшичилик санъатига оид турли кўргазмалар, миллий соғлар ва либослар, хўнарамандчилик буюмлари, тасвирий ҳамда амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ҳамда видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилади.

Рўзиқул МУСТАФАҚУЛОВ, Термиз давлат университети доценти, филология фанлари номзоди.

АЭС – тоза энергия етказиб берувчи восита

Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)даги фаолиятида улкан тажриба тўплаган эксперт Жозеф Златянски дунёда атом энергетикаси истиқболлари, унинг атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришига таъсири, Ўзбекистонда илк АЭС қурилишининг аҳамияти ҳақида фикрларини билдириб ўтди.

Нуқтаи назар

Экспертнинг айтишича, бугунги кунда жаҳон бўйича 450 дан ортиқ реакторлардан фойдаланилмоқда ва яна 55 га яқини қурилиш босқичида турибди.

“Бундай қурilmалар сони бўйича Хиндистон, Хитой ва Россия етакчи ҳисобланади. МАГАТЭ эса аъзо давлатларга турли хизматлар кўрсатади, атом энергетикаси тармоғи барқарор ривожланишига кўмак беради, бу борадаги янги дастурларни қўллаб-қувватлайди. Масалан, энергетика реакторлари бўйича ахборот тизими дастурини олиб кўрайлик. Шу асосда олинган маълумотларга қараганда, бугунги кунда Хитой ҳаммадан ҳам кўра фол равишда реакторлар барпо этипти. Мазкур мамлакатда айни пайтда 46 та реактор мавжуд бўлса, яна 11 энергоблок қурилаётган, келажакда мамлакат ўз атом қувватини қарийб икки баробар оширмоқчи.

АЭСдан фойдаланаётган давлатлардан ташқари яна қарийб 28 та мамлакат атом энергетикаси дастурини амалга оширишга киришяпти. Уларнинг орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Эътиборлики, атом энергетикасига бой углеводород захиралари ва қуёш энергетикаси бўйича улкан салоҳиятга эга мамлакатлар қизикмоқда. БАА бунга яққол мисолдир. Бинобарин, давлатлар атом энергетикаси барқарор электр қувватининг ишончли базавий ишлаб чиқарувчиси эканлигини тушунишаётган. МАГАТЭ айнан шуларга асосланиб, атом энергетикасининг мавжуд 396,6 ГВт.лик қуввати 2050 йилга бориб икки баробар ўсишини прогноз қилапти.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, айрим минтақаларда ядро дастури нафақат электр қувватини хавфсиз, бар-

қарор ишлаб чиқариш, экологияни яхшилаш, балки умумий иқтисодий ва саноат тараққиётига ҳам хизмат қилаётган. Қўллаб-қувватлар ўз энергетика стратегиясига атом энергиясини қўшиб, бунга барқарор иқтисодий ривожланиш ва юксалишининг кафолати сифатида қараяпти. Айнан шунинг учун ҳам “атом клуби”нинг БАА, Беларус, Миср, Туркия, Бангладеш каби янги аъзолари атом энергиясини миллий энергетика стратегияси ҳамда барқарор ривожланиш дастурларига киритишга қарор қилди”, дейди Жозеф Златянски.

Эксперт сўнги йилларда дунё бўйича атом энергиясига бўлган талабнинг ўсиши қайта тикланувчи энергия манбалари ўзини оқламагани билан боғлиқ, деган қарашга ҳам ўз муносабатини билдирди. У барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш учун барча кўринишдаги экологик хавфсиз манбаларни қўллаб-қувватлаш ва равақ топтириш лозимлигини таъкидлади.

“Қўпгина илгор мамлакатлар турли манбаларнинг ўзаро уйғунлашуви — “энергетик аралашма”га диққатини жамлаган. Яъни улар ҳам барқарор ва кучли базавий ишлаб чиқариш воситаси бўлган АЭСга, ҳам фаолияти об-хаво шароитлари, кун вақтларида боғлиқ қайта тикланувчи энергия манбаларига эътибор қаратишмоқда. Энергиянинг турли манбаларини уйғунлаштирган ҳолда, жумладан, келажак атом технологияларига инвестиция киритиш йўли билан атмосферага карбонат ангидрид ташламаларини чиқаришни қисқартиришга қатъий қиришган давлатлар ҳам бор.

...Менинг Ватаним Словакияда 4 та атом энергоблокидан фойдаланилмоқда, яна иккитаси қурилиш босқичида. Умуман олганда, мамлакатда



электр қувватининг 87 фоизи атроф-муҳитга зарар етказмасдан ишлаб чиқарилади. Ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 1 000 МВт. қувватли ядро қурилмаларининг юртимга қўшадиган ҳиссаси шундай: ноль даражадаги карбонат ангидрид, ваҳолонки, шундай қувватдаги кўмир электростанцияси ҳар кун 20 миң тонна карбонат ангидрид чиқаради.

Иқлим ўзгариши дунёдаги энг жиддий экологик муаммо ҳисобланади. Атом энергетикаси эса “ис газлар”и чиқарилишини сезиларли даражада камайтиришга ҳисса қўшиши ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишда катта роль ўйнаши мумкин. Зеро, АЭС — тоза энергия етказиб берувчи восита. Уни ишлаб чиқариш учун углеводородлар ёқилмайди, карбонат ангидрид гази девяри мавжуд бўлмайдир. Углеродсиз манбалар — гидроэнергетика, қуёш, шамол ва атом генерациясини кўпайтириш, шунингдек, энергиянинг янги шакллари-ни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқарилган билан сайёраимизга ҳалокатли зарар етказмайди ишлаб чиқаришларни қўйиб қўйиш лозим.

Бинобарин, алоҳида эътироф этишни истардимки, Ўзбекистон томонидан атом энергетикаси дастурига доир қарор қабул қилиниши мамлакат тараққиётининг қўллаб-қувватловчи иқтисодий жиҳатлари, жумладан, таълим ва бошқа соҳаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади”.

«Ўзатом» матбуот хизмати материаллари асосида С. ҚОСИМЖОНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Хамжиҳатлик

Тожикистондан Сурхондарёга сўв йўллари очилди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, очик ва прагматик таъшиқ сиёсати Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни қайта тиклаш ва уни янада ривожлантириш учун асос бўлди.

Ўзаро дўстлик ришталари яхшиланиши туфайли Тожикистон Республикасида жойлашган Варзоб дарёсидан Катта Ҳисор, Шодмон Қозоқ, Жончекка, Хатиб ва Даюб каналлари орқали сув олиб келиш мақсадида мазкур каналларнинг айрим қисмлари тозаланиб, сув йўллари очилди. Бунинг натижасида Сурхондарё вилоятининг Узун, Сарисоёё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Қизилқўрғон ҳамда Шеробод туманлари экин майдонларининг сув таъминоти янада яхшиланди.

— Мамлакатимиздаги сув танқислигини юмшатиш

мақсадида қўшни Тожикистон давлатидан сониясига қўшимча 35 — 40 кубометр обихаёт олиш имконияти яратилди, — дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Абдурашид Артиқов. — Кўп йиллар ўз холига ташлаб қўйилган каналларнинг сув ўтказиш ҳолатини соғлаш учун 40 дан ортиқ замонавий техникалар сафарбар этилиб, чегарадош ҳудудлардаги жами 52 километр узунликдаги каналлар лойқадан тозаланди.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

Кўргазма

Дунё жажжи рассомлар НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ШХТга аъзо давлатларнинг маданияти, тарихи, табиати, урф-одат ҳамда аъзоларига бағишланган “Дунё болалар нигоҳида” мавзуда жажжи рассомларнинг кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Унда 700 дан ортиқ суратлар намойишга қўйилган.



Хелена ИУДЮШЕВ олган сурат.

Кўргазманинг очилиш маросимида вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар, миллий маданият марказлари вакиллари ва ОАВ ходимлари қатнашди.

— Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини кучайтириш, ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашдан иборат, — деди ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази директори Раҳматулла Назаров. — Қолаверса, иқтисодий бола-ларда таъсирли санъатга нисбатан қизиқиш уйғотиш ҳам кўзда тутилган. Мазкур кўргазмани вилоятларда, шунингдек, ШХТ давлатларининг пойтахтларида ташкил қилиш режалаштирилган.

Миз Ёқут Исроиллов иккинчи, ҳиндистонлик Сангит Тансин эса учинчи ўринни эгаллади. 8 — 10 ёшдаги ўқувчилар ўртасида юртдошимиз Ўззода Авазжонов, ХХР вакили Си Анки ва россиялик Анастасия Юзбашьян совриндор бўлди. 11-12 ёшдаги ўқувчилар орасида эса қирғизистонлик Гулзода Майрамбекова, ҳамюртимиз Фарангиз Исомиддинова ҳамда қозоғистонлик Алиса Панкратова эътироф этилди.

— Мен рассомлик силраларини “Баркамол авлод” болалар бадий ижодиёт марказида ўрганман, — дейди Тошкент шаҳридаги 191-мактабнинг 3-синф ўқувчиси, танлов галиби Ўззода Авазжонов. — Танловда ўзим чизган тўртта расм билан иштирок этдим ва уларда Ватанимизнинг бой табиати, оила муҳити ва Тошкент телеминосини тасвирлашга интилдим. Кўргазма туфайли қўллаб-қувватловчи тенгқўрларим билан дўстлашдим. Келгусида зўр рассом бўлмоқчиман.

Кўргазма 15 мартгача давом этади.

Юлдуз ЎРМОНОВА («Халқ сўзи»).

Бандликни таъминлашга микрокредитлар

Ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашда банкларнинг роли қандай? Тадбиркорликни ривожлантириш борасида-чи?

Бу ҳақда гап кетганда, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг микроолиявий хизматлари яхши самара бераётгани алоҳида тилга олинади. Масалан, ўтган йили аҳоли ва тадбиркорларга бизнес фаолиятини йўлга қўйиш учун 794 миллиард сўм, ижтимоий дастурлар доирасида эса салкам 460 миллиард сўмлик кредит ажратилган. Бунинг ҳисобига 20 миң 107 та иш жойи яратилди.

Анжуман

Кеча пойтахтимизда “Янги иш жойлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда микрокредитларнинг ўрни” мавзусида бўлиб ўтган



матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди.

— Кредит ажратишда янги иш жойлари яратиш масаласига, шунингдек, меҳнат ресурслари нисбатан кўп ҳудудлардаги бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилляпти, — дейди банк бошқаруви ўринбосари Азиз Низамов. — Мисол учун, ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган фуқароларнинг 450 нафарига 6,5 миллиард, 1533 нафар томорка ер эгасига 20,3 мил-

лиард, 5235 нафар хўнарамданга 147,5 миллиард, 3119 нафар тадбиркор аёлга 184,6 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Бундан ташқари, 1100 га яқин маҳаллаларнинг мавжуд имкониятидан келиб чиқиб, қорвачилик, деҳқончилик, хўнарамандчилик ва бошқа соҳалар бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларга 100,8 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилди. Натижада 4 800 га яқин фуқаролар ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

Тадбир иштирокчиларида мазкур молия муассасаси масъул этиб бириктирилган кўнчилик тармоғидаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган лойиҳалар катта қизиқиш уйғотди.

Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки қорвачиликнинг мазкур тармоғи кам харажат эвазига тез ва кўп миқдорда парҳез гўшт, қимматбаҳо мўйна етиштириш имконини беради. Шунинг учун кейинги пайтда саноат усулида қўён етиштиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Бунинг самараси ўларок, банкнинг 39,5 миллиард сўмлик маблағи ҳисобига 56 та агрофирма ташкил этилди.

Шу билан бирга, 4,5 миллиард сўмлик кредитлар аҳоли хонадонларида ушбу жониворларни кўпай-



Реклама ўрнида

тириш учун йўналтирилди. Натижада бугунги кунда парваришланаётган қўнлар сони 20 миңгача етди. Икки ойда етиладиган қўнларнинг ҳар бири 2-2,5 килограмм атрофида гўшт беради.

Банк вакилларининг айтишича, хорижда қуён гўштига талаб катта. Ташқи бозордан жой эгаллаш учун эса махсулот етиштириш ҳажмини ошириш зарур. Шу боис тармоқда кластер усулини қўллаб-қувватловчи бирлари кўрилмоқда. Бундай лойиҳалардан дастлабқиси Наманган вилоятида амалга оширилган. Зеро, қуёнчилик кластерлари парҳез гўшт етиштириш, экспорт

қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш эса банк фаолиятидаги энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Фақат 2019-2020 йилларнинг ўзига Президентимизнинг виллоятларга ташқириш давомида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқилган 300 та лойиҳа ижросига 285 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу ҳудудларда саноатнинг янги йўналишлари ўзлаштирилиб, 6 миңга иш жойи яратилади, деганидир.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

Хизматлар лицензияланган.

Санъат

Ҳиндистонлик продюсерга Ўзбекистон омад келтирди

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида Ҳиндистон Халқаро фильм ва туризм кенгашининг (IIFTC) навбатдаги тақдирлаш маросими ҳамда "IIFTC — 2019" кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 2018 йил давомида ҳинд киноижодкорлари томонидан хорижда суратга олинган кинофильмлар тақдирланди.



Тақдирда Ҳиндистоннинг турли штатларидан келган ижодкорлар билан бир қаторда, 20 дан ортиқ хорижий мамлакатлар вакиллари, шу жумладан, Шри-Ланка, Фжжи, Швеция, Сербия, Озарбайжон, Россия, Норвегия ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган продюсерлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

"IIFTC — 2019" тадбири давомида 2018 йилда Ўзбекистонда суратга олинган "Hoichoi Unlimited" фильмининг продюсери ва бош роль ижроچиси Дев Адхикари катнашиб, ушбу фильми унинг "Энг яхши продюсер" номинациясида совринни қўлга киритди.


Дев Адхикари ўз фирмулоказлари билан ўртоқлашди.

— Фильмларни суратга олишда жой танлаш масаласи жуда муҳим ҳисобланади, — деди у. — Мен бу масалага доимо ўзгача ёндашишга ҳаракат қиламан. Ўтган йили ўз фаолиятимда илк мартаба Ўзбекистонда фильм сурат-

га олдим. Ушбу мамлакат, бетақор табии манзаралари ва бебаҳо тарихий обидаларга эга. Бу юрт инсонларнинг меҳмонларига ва айниқса, ҳинд киноижодкорларига бўлган ўзгача меҳри ҳамда самими муносабатини алоҳида таъкидлашни истардим. Фильмни суратга олиш жараёнида жамоамиз билан бу меҳрни доимо ҳис қилиб турдик ва бу, ўз навбатида, лойиҳамиз муваффақият қозонишига сабаб бўлди, деб ўйлайман. Фурсатдан фойдаланиб, фильмни суратга олишда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Шу ерда жам бўлиб турган барча фильм продюсерларига Ўзбекистонда фильм суратга олишни тавсия қиламан.

«Дунё» АА. Мумбай

ИЖТИМОЙ ДОРИХОНАЛАР НОМИГА ТАШКИЛ ЭТИЛГАНМИ?



"Иссиқ жон иситмасиз бўлмас", дейишади. Тобимиз қочганида шифокор хизматига эҳтиёж сезамиз. У қўлимизга тутқазган рецептни олиб дориҳонага борамиз. Негаки, соғайиб кетишимиз дори-дармонга боғлиқ.

Мана шу ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, сўнгги йилларда фармацевтика соҳасини тубдан ислоҳ этиш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 14 февралдаги "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида аҳолига, олис ҳудудларда яшовчи фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ижтимоий дориҳоналар фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган.

Жойларда мазкур муҳим ҳужжатнинг ижроси қандай бажарилмоқда? Аҳоли ижтимоий дориҳоналар хизматидан розими? Мухбиримиз Бухоро вилояти мисолида шу мавзуда журналист суриштируви ўтказди.

Журналист суриштируви

Бир қарашда ҳаммаси жойида. Аммо амалда-чи?

Маълумотларга қараганда, вилоятда "Бухоро дори-дармон" масъулияти чекланган жамияти томонидан 200 атрофида ижтимоий дориҳоналар ҳамда уларнинг шохобчалари ташкил этилган. Улар ижтимоий аҳамиятга эга дорилар ва тиббий буюмлар билан тавминланган.

Жамият ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси кўмағида ижтимоий дориҳоналарнинг моддий-техника базаси мустақамланди. Номутахассис ходимлар фармацевтика йўналиши бўйича қайта тайёрловдан ўтказилди. Жамият таркибидagi махсус автомашиналар ёрдамида чекка ҳудудларда яшаётган аҳоли учун кўчма ижтимоий дориҳоналар фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг ҳаракат жадвали ишлаб чиқилган.

Бир қарашда ҳаммаси жойида. Аммо амалда-чи?

Вобкент туманидаги Янгикент қишлоқ врачлик пунктидаммиз. Маскан бир пайтлар дала шийони вазифини ўтаган бинода жойлашган. Шарт-шароит ҳаминқадар. Хоналар совуқ. Нақадар галати туюлмасин, шифо масканида шамоллаб қолиш ҳеч гап эмас. Вахолокки, у 4200 нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Мудира Ҳалима Гафорованинг билдиришича, зарарсизлантириш хонаси ва хатто, қоровулхона ҳам йўқ. Мудира бизни кўча томонда йирик ҳарфлар билан "Ижтимоий дори-

хона" деб ёзиб қўйилган, дориҳона учун ажратилган хонага бошлади. Хонада тўрт девордан бўлак ҳеч вақони учратмадик. "Фармацевт мутахассис топилаётгани учун дориҳона иш фаолиятини бошлаганича йўқ", дея изоҳ берди мудира.

Туман марказидан аттиги олти километр узоқликда жойлашган, аҳоли зич яшаётган ҳудудда нахотки бир мутахассис топилаётган бўлса?

Уловидан тушови қиммат

— Қарамоғимда туғма ногиронлиги бўлган фарзандим бор, — дейди Пешку туманидаги Дедароз қишлоғида яшовчи Суннат Ашуров. — Дори-дармонига ҳар ойда ўртача 150 — 200 минг сўм атрофида маблағ сарфлайман. Қишлоғимизда ижтимоий дориҳона у ёқда турсин, хусусий аптека ҳам йўқ. Зарурат туғилганида туман марказига боришга тўғри келади.

Йўл ҳаражати қўшиб ҳисоблаганда, дори 2-3 баравар қимматга тушади. Муқим иш ўрнига эга бўлмаган киши учун бу пулни топиш осон дейсизми? Топганини нукул дориға сарфласа, рўзғори нима бўлади?!

Балки Дедарозга яқин қишлоқларда бу борада аҳвол тузукдир, деган ўйда Хўжақон, Янгийўл, Кодравон аҳоли пунктларига йўл олдик.

— Дори-дармондан асло сўз очманг, — дейди шу манзиллар аҳолисига хизмат кўрсатадиган

31-қишлоқ оилавий поликлиникаси филиали патронаж ҳамшираси Нодира Нурова. — Филиалимиз ҳудудда 3132 нафар аҳоли яшайди. Қўни-қўшниллар шундай катта ҳудудда дори сотадиган шохобча йўқлигидан қийналиб, бизга мурожаат қилишади. Баъзи зарур дориларни уйга келтириб қўйишимизни сўраб ёлворивади. Уларга бундай қилишга ҳаққимиз йўқлигини тушунтирамиз, албатта.

Номаълум сабабларга кўра ишламаяпти

Когон туманидаги "Ўртачўл" маҳалла фуқаролар йиғинига элтадиган йўлдан автомобилда эсон-омон борган киши машур "Ралии" автопойгасида ҳам бемалол қатнаша олади.

8-мактабнинг Ўртачўлда жойлашган филиали аттиги икки хонадан иборат. Ажабланарлиси, бу ерда 1 ва 3-синфлар ҳамда 2 ва 4-синфлар биргаликда бир хонада сабоқ олишяпти.

72 та хонадон бўлган қишлоқда ичимлик суви — катта муаммо. "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган оилавий поликлиника шифокори, Ўртачўлга бириктирилган Нарзи Эшмуродованинг таъкидлашича, аҳоли техник сувни истеъмол қилишга мажбур бўляпти. Бу эса турли касалликлар келиб чиқиши эҳтимолини оширмақда.

— Дори-дармонга эҳтиёж туғилиб қолгудек бўлса, шу ўнқир-чўнқир йўлдан 11-12 километр юриб, туман марказига боришимизга тўғри келади, — дейди ўзини Бахтиёр Қудратов дея таништир-

ган йигит. — Кўчма ижтимоий дориҳона, дейсизми? Унинг "қораси"ни ҳам кўрганимиз йўқ.

Гап шундаки, кўчма ижтимоий дориҳоналарнинг 2018 йилги ҳаракат жадвалида "Ўртачўл" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига ҳафтанинг ҳар жума куни хизмат кўрсатиш кўзда тутилган. Бироқ қишлоқ аҳолиси, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини мутахассиси Лайло Эшова ҳамда узоқ йиллардан буён шу ерда шифокорлик қилаётган Нарзи Эшмуродова бундай дориҳонанинг Ўртачўлга келганини эслай олишмади.

Дарвоқе, "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника жойлашган бино пештоқида "Ижтимоий дориҳона" деган ёзуви кўриб, таскин толгандек бўлдик. Аммо шошилган эканмиз. "Дориҳона ўтган йилнинг ноябрь ойидан буён номаълум сабабларга кўра ишламаяпти, — дейишди шифокорлар. — Лекин одамлар дориҳона очилиб қолгандир, деган умидда халиҳануз келиб-кегишади".

Қизиқ, номи бор-у, ўзи йўқ дориҳоналар кимга керак? Бу ҳолга ким чек қўяди?!

Нарх-наво хусусийлардагидан баланд

— Ўтган йилнинг март ойидан буён шу ерда фаолият кўрсатиб келяпман, — дейди Жондор туманидаги "Оғар-1" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган ижтимоий дориҳона ходими Ситора Тўхтаева. — Ҳамма нарса етарли. Бироқ қишлоқда дори-дармон воситалари билан уйда нақонуний шуғулланадиганлар бор. Улар дориини туман марказидаги хусусий дориҳоналардан кўтарасига харид қилиб, арзонроқ сотишяпти. Масалан, оғриқ қолдирувчи "Кюпен"дорисининг нархи бизда 5 минг 500 сўм, кўлда эса у 3-3,5 минг сўм. Одамлар арзонига учишади. Оқибатда дориҳонамизда савдо яхши бўлмайди. Мен билганларим тўғрисида "Бухоро дори-дармон" масъулияти чек-

ланган жамияти раҳбарларига ҳам, маҳалла участка нозирига ҳам маълумот етказдим. Аммо ҳозирча аҳвол ўзгармаган.

Одамлар дориини дуч келган кишидан эмас, сифати кафолатланган жойдан харид қилгани зарур, албатта. Бу борада ўзибурларчиликка йўл қўйилса, ижтимоий дориҳоналар касодга учраши, соҳа ходимларининг ишдан ҳафсаласи пир бўлиши тайин.

Дарвоқе, биз бир қатор хусусий дориҳоналарда бўлиб, "Сиз ижтимоий дориҳонада ишлашни хоҳлармидингиз?" дея сўраганимизда, ходимларнинг аксариятидан "Йўқ" деган жавобни эшитдик. Бу тизимда муаммолар кўплигидан дарак бермасмикан?!

Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади: ижтимоий дориҳоналардаги нарх-наво хусусийлардагидан арзон бўлиши керак эмасми? Аслида, эҳтиёжманд оилаларга қулайлик яратиш учун шундай дориҳоналар ташкил этилмаганими?

Башарти, бундай тиббиёт шохобчалари халқимиз ташвишларини енглиштиш мақсадида очилган экан, улар ўз номига муносиб бўлсин!

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Фахр Ўзбек қизига жаҳон қойил қолди

Шу кунларда АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда. Мусобақанинг навбатдаги кун терма жамоамиз учун омадли кечди.

Гап шундаки, қизлар ўртасида 64 килограммгача бўлган вазн тоифасида қатнашган Кумушхон Файзуллаева даст кўтаришда 93 кг. тошни буйсундирган бўлса, силтаб кўтаришда 122 кг. натижа қайд этди ва ўзи аввал ўрнатган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон рекордини янгилади. Шунингдек, у умумий 215 килограммлик кўрсаткич билан жаҳон рекордчисига айланди.

Учала турда ҳам биринчи натижани кўрсатган Кумушхон жаҳон чемпионатининг учта олтин медалини ўзиники қилиб олди. Бу катта шов-шув бўлди.

Эслаиб ўтамиз, Кумушхон Файзуллаева ўтган йили ёзда пойтахтимиз мезбонлик қилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам зафар кучиб, ўзбекистонлик оғир атлетикачи қизлар орасида илк бор чемпионлики қўлга киритган спортчиға айланган. Шунингдек, 2018 йил октябрь ойида Аргентинада ўтган ўсмирлар Олимпиадасида ҳам унга тенг келадигани топилмаган эди.

О. ЛУФТУЛЛАЕВ («Халқ сўзи»).

Ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги маҳсулотларни тайёрлаб, етказиб бериш бўйича савдо танлови ўтказилишини маълум қилади:

тантаналар учун денгиз тўлқини рангли фуражка, денгиз тўлқини рангли, яримжунли матодан тикилган кундалик бош кийими, денгиз тўлқини рангли қишки бош кийими, қўй жунидан (табиий) тайёрланган қулоқчин, сунъий мўйнадан тикилган қулоқчин, камуфляж тарзидаги ёзги бош кийими, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчилари учун беретлар, қора рангли беретлар, олачипор рангли

беретлар, «Жар» мактаб-интернати учун кепи-бейсболка, «Жар» мактаб-интернати учун қулоқчин, курсантлар учун камуфляж шаклидаги «К» ҳарфли погонлар, 20 мм. ҳамда 13 мм. ўлчамли ҳимоя рангидаги юлдузчалар, тантаналар учун мўлжалланган, кителга тақиладиган тилларанг эмблемалар, ҳимоя рангидаги умумқўшин эмблемалари, 14 мм. ўлчамли тилларанг тугмалар, атирсовун (бўлақларда), кир ювиш қукуни.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100700, Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 1-боши берк кўча, 1-уй.

Савдо танловида иштирок этишга даъвогарлардан тижорат тақлифлари эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.

Маълумот учун ҳар кун соат 9.00. дан 17.00. гача мурожаат қилиш мумкин. Тел.: 71-255-75-12, 71-255-81-45, 71-231-31-47. Факс: 71-281-43-72.

Ўзбекистонда Халқаро картошка кун
19 март

Техник тақдимот (спикерларнинг чиқишлари)
Кўргазма ва кооперацион биржа
Техника янгиликлари намоиши
Картошқадан ярим фабрикатлар ишлаб чиқарувчи заводнинг очилиши

Фақат мутахассислар учун.
https://potatoday.uz сайти орқали иштирок этишга буюртма бериш мумкин.
Мурожаат учун телефон: 90-906-46-60.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан тақлиф этади.

Тел.: 93-555-00-95, 93-555-12-88, 71-291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИ ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Миллий кутубхона директори Алишер Абдушукурович Абдуазизова турмуш ўртоғи
Озода Мансуровна АБДУАЗИЗОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 988 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 23.15 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6